

«УТВЕРЖДАЮ»



Директор ГУП «Дирекция
индустриального технопарка
«Янгиyoʻl» хокимията г. Ташкента»

У.Умаров

ноябрь 20__ й.

«Янгиyoʻl индустриал технопарки» 1-босқич ички муҳандислик-коммуникация
ва йўл транспорт инфратузилмасини барпо этиш ишлари учун
объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Объектининг номланиши	«Янгиyoʻl индустриал технопарки» ички муҳандислик-коммуникация ва йўл транспорт инфратузилмасини барпо этиш ишлари учун».
2. Буюртмачи	«Тошкент шаҳар хокимлиги «Yangiyoʻl» индустриал технопарки Дирекцияси» ДУК манзил: 100135, Тошкент ш., Чилонзор тумани, И.Каримов кўчаси, 51-уй.
3. Лойиҳалаштириш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 февралдаги ПҚ-4979-сонли қарори. Тошкент шаҳар хокимининг 2021 йил 30 декабрдаги 632-14-0-Q/22-сонли қарори.
4. Бош лойиҳа ташкилоти	Танлов савдолари орқали аниқланади.
5. Лойиҳалаштириш босқичи	Ишчи лойиҳа
6. Қурилиш майдони характеристикаси (сейсмикаси, ер чўқувчанлик грухи ва бошқалар)	Сейсмиклик даражаси- ҚМҚ 2.01.03-96 га биноан қабул қилинади. Ер чўқувчанлик муҳандислик ва геология асослари орқали аниқланади.
7. Объектининг жойлашган ҳудуди	Тошкент шаҳар, Янгиyoʻl тумани
8. Объектининг лойиҳавий қуввати	Аналог лойиҳалар асосида аниқланади
9. Лойиҳалаштириладиган объектни мураккаблик даражаси (категория сложности)	II - тоифа (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.01.2016й.даги 15-сонли қарори, 2-илова, 44.1. банди).
10. Қурилиш тури	Янги қурилиш.
11. Тураржой, жамоат биноси ва бошқа турлари (Қават, секция ва хонадонлар сони, намунавий ёки и индивидуал лойиҳа в х.к.)	Умумий майдони- 110 Га: Қурилиш ости майдони (Йўл, яшил ҳудуд, автотураргоҳ ва бошқалар) – 30 Га Инвесторларга тегишли лотлар майдони (лоийҳа ва қурилиш ишлари лот эгалари томонидан бажарилади) – 80 Га

12. Бош пудратчи	Тендер савдолари оркали аникланади.
13. Шаҳарсозлик, хажмли – режалаштириш ва конструкторлик ишларига талаблар	<p>Худуд лотларга бўлиниш режасига асосан (1-илова) ҳар бир лот барча муҳандислик тармоқлари билан таъминланиши лозим.</p> <p>Лойиха бўйича қарор ШНҚ 2.07.01-03 талабларига асосан бажарилсин.</p> <p>Шаҳарсозлик, шаҳар ва кишлоқ аҳоли пунктлари худудини ривожлантиришни режалаштириш ШНҚ 2.05.02-07 талабларига асосан бажарилсин.</p> <p>Сув таъминоти – ҚМҚ-2.04.02-97 талабларига асосан бажарилсин.</p> <p>Оқовасув (канализация) - ҚМҚ 2.04.03-97 талабларига асосан бажарилсин.</p> <p>Электр тармоғини ўрнатиш қоидалари ПУЭ-2011й. талабларига асосан бажарилсин.</p> <p>Электр ёритгич тизими: ҚМҚ 3.05.06-97 талабларига асосан бажарилсин.</p> <p>Заземление и зануление электроустановок ВНиП 5.04.07-11 талабларига асосан бажарилсин.</p> <p>Прокладка кабелей напряжения до 35 кВ, ТПИ 4.4.07-251 талаби бўйича бажарилсин.</p> <p>Бош режа ишлаб чиқилсин.</p> <p>Автомобил йўли асосини механик-лаборатория усулида ҳолатини ўрганиб чиқган ҳолда, автомобили ўқиға тушадиган юк кўтариш ҳажми 40,0 тн мўлжалланган йўл конструкциясини қабул қилиш, мавжуд автомобил йўлини икки тарафидан замонавий ирригация тармоғини қуриш, худуд атрофини ободонлаштириб, яшил майсазорлар ташкил этиш, суғориш тармоғини қуриш ва энергия тежамкор ёритиш лампаларини тадбиқ этган ҳолда замонавий ташки ёритиш устунларини ўрнатиш ҳамда белгиланган норматив талаблар асосида велосипедда ҳаракатланиш, пиёдалар йўлакларини қуриш ҳамда имконияти чеклан одамлар тўсикларсиз қулай ҳаракати учун имкониятлар назарда тутилсин.</p> <p>Ичимлик сув таъминоти бўйича “Сувсоз” Давлат унитар корхонасининг техник шартига асосан улансин. Уланиш ва тармоқ йўлини лойиха асосида ҳал қилинсин ва техник шартнинг барча амаллари бажарилсин.</p> <p>Оқава чиқинди сув қувури (канализация) икки қисмга ажратилсин:</p> <p>а) Маиший оқава чиқинди сувлари (бытовые отходы) “Сувсоз” Давлат унитар корхонасининг техник шартига асосан шаҳар оқава сув тизимиға улансин. Уланиш ва тармоқ йўлини лойиха</p>

	<p>асосида ҳал қилинсин ва техник шартнинг барча амаллари бажарилсин.</p> <p>б) Ишлаб чиқариш чиқинди сувлари (производственные и технические отходы) инвесторлар локал тозалаш иншоотида тозаланган бўлиб, алоҳида оқава сув қувурлари орқали тегилши Давлат корхонасининг техник шартига асосан сув коллектори ёки бошқа тармоққа улансин. Уланиш ва тармоқ йўлини лойиҳа асосида ҳал қилинсин ва техник шартнинг барча амаллари бажарилсин.</p> <p>Электр қуввати билан таъминлаш учун Тошкент шаҳар электр тамоқлари корхонаси томонидан лотларга кирмаган ҳудудларда 5 дона РП (таксимлаш нимстанцияси) қурилиши кўзда тутилган бўлиб, уларнинг қуввати ва жойлашувини лойиҳа асосида аниқлаб ҳал қилинсин. Ушбу РП лардан ҳар бир лот эгаси ўз ҳудудига электр кабелларини тортиб олиши учун лотоклар лойиҳаси ишлаб чиқилсин.</p> <p>Газ билан таъминлаш учун “Тошкент шаҳри бўйича газ таъминоти” ҳудудий филиали корхонасининг техник шартига асосан, ер ости газ қувиридан улансин. Ушбу газ қувирига уланиб, ҳар бир лотни газ билан таъминланиши лойиҳа асосида ҳал қилинсин ва техник шартнинг барча амаллари бажарилсин. Шунингдек, ҳудуддаги мавжуд барча турдаги муҳандислик тармоқлари ва иншоотларни, шу жумладан коллектор, ариқ ва бошқа мелиоратив иншоотлар кўчириш ва қайта ётқизиш ишлари лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилсин. Визуализация ва видеоролик ишлансин.</p>
14. Табиатни ва атроф-муҳитни асраш бўйича талаблар	Лойиҳада дарахтларни кесишга йўл қўйилмасин.
15. Ташқи муҳандислик изланишлар зарурияти	1:500 нисбатдаги топографик сурат ва муҳандислик геологиясининг (талабга кўра) ҳулосасига асосан.
16. Зарур бўлган лойиҳаолди ва лойиҳа-қидирув ишлари бўйича талаблар	АРТ-1,2 қисм, атроф муҳит муҳофазаси бўйича лойиҳа ва ҳулоса, муҳандислик-қидирув ишлари ҳужжатлар (топохарита, геология) зарур ҳолларда лойиҳа ташкилоти томонидан бажарилади.
17. Молиялаштириш манбан	Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан.
18. Қурилишни бошлаш ва тугаллаш муддатлари	2023-йил.
19. Ёнғин хавсизлиги талаблари	ШНҚ 2.01.02-04 талабларига асосан бажарилсин.
20. Ташқи муҳандислик тармоқларига бўлган талаблар.	АРТ-2 қисм ва техник ҳулосасига асосан ишлаб чиқилсин.
21. Ички муҳандислик тармоқларига бўлган талаблар.	Мавжуд нормативлар ва талабларга асосан

22. Энергия сарфи бўйича талаблар.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 2 июндаги 161 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343 сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 октябрдаги 161 сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 октябрдаги ПҚ-3981 сонли қарори.
23. Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича талаблар.	Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича лойиҳа ва хулоса лойиҳа ташкилоти тамонидан тақдим этилади.
24. Лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли ташкилотлар билан келишиш.	Бош режа ва ички муҳандислик-коммуникация ишлари ШНҚ 1.03.01-8. бўйича Қурилиш бош бошқармаси билан келишилсин. Лойиҳа бўйича қарорлар зарур бўлган ташкилотлар билан келишилсин жумладан Санитария-эпидемиология хизматлари, ФВВ ИИВ, ГИ “Ўзгосэнергоназор” ДИ ва бошқалар.
25. Ерларни рекультивация қилиш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича талаблар	АРТ-1 қисм ва техник хулосасига асосан ишлаб чиқилсин.
26. Қурилишни ташкиллаштириш лойиҳаси.	ШНҚ 1.13.08-06 талабларига асосан бажарилсин.
27. Фуқаролик ҳимояси ва фавқулотда вазиятлардан огохлантириш талаблари	Фавқулотда вазиятлар бошқармасининг норматив ҳужжатлари талабларига асосан бажарилсин.
28. Имконияти чекланган шахсларга шароит яратиш бўйича талаблар	ШНҚ 2.07.02-07 ва бошқа турдаги норматив ҳужжатлар талабларига асосан бажарилсин.
29. Буюртмачига топшириладиган лойиҳа-смета ҳужжатлари таркиби	ШНҚ 3.01.01-03 га асосан тўлиқ ҳажмда ишлаб чиқилсин. Ишчи лойиҳа ушбу топшириқ талабларига биноан қабул қилинади. Ишчи лойиҳаси 3 нусхада ва электрон вариантда (PDF ва DWG) амалдаги стандартлар бўйича буюртмачига топширилиши лозим смета ҳужжати 3 нусхада китоб ва электрон шаклда (XLS).

Заместитель директора



С.Нурнахмедов

1-ИЛОВА
1-Босқич ХУДУД ЛОТЛАРГА БЎЛИНИШ РЕЖАСИ

